АДАБИЁТ

С. Эшонова

ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Увайсий девони қўлёзмаси таркиби, нашр тарихи ва йиғма-қиёсий матн тамойиллари

Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда шаклланган сарой адабиёти, китобат ва девон тузиш тажрибаси кейинги асрларда турли шаклларда давом этди. Хусусан, XVIII аср охири – XIX аср бошларида Қўқоннинг хонликнинг маданий марказига айланиши, Амир Умархон – *Амирий* (1787–1822; ҳукмронлик йиллари 1810–1822) ҳомийлигидаги адабий муҳит ва Моҳларойим – *Нодира* (1792–1842) бошчилигидаги шоиралар мажлислари мумтоз шеърият анъаналари, айниқса, девоннавислик ривожига хизмат қилди [3: 285–330; 4; 5; 25: 20–33].

Мумтоз адабиётда девоннинг тарихи унинг яратилиши билан чекланмайди. Муаллиф ижодини жамлаган қўлёзма муайян даврнинг адабий муҳити ва китобат услуби ҳақида маълумот берса, унинг кейинги нусхалари ҳамда босма нашрлари ўша мероснинг қандай ўқилгани, саралангани ва талқин этилганини кўрсатади. Девон тарихини ўрганишда айрим шеърларнинг мавжудлиги ёки йўқлигигина эмас, балки шеърларнинг тартиби, жанрлари, адабий издошлик ҳамда китоб соҳибларига доир маълумотлар ҳам аҳамият касб этади [2: 432–438].

Айни шу жиҳатларни ёритишда Жаҳон Отин Увайсий (1779–1845) мероси ёрқин мисол бўла олади. Дарҳақиқат, шоира XIX аср Қўқон адабий муҳитида шаклланган мумтоз анъаналарни давом эттириб, ўз асарларидан девон тузган, бироқ улар бизгача муаллиф дастхати шаклида етиб келмаган. Тадқиқотларда шоиранинг абираси Холжон Мағзий (ваф. 1962; Андижон вилояти, Марҳамат қишлоғи) берган маълумотлар асосида Увайсий тўрт девон тузгани, уларнинг айримлари

кейинчалик йўқолгани, қолган шеърлар эса турли котиблар кўчирган нусхаларда сақлангани, энг тўлиқ нусхаси мазкур абираси томонидан кўчирилгани қайд этилган [19: 10]. Қўлёзма девоннинг бир сайланма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида, бир тўлиқ ва бир сайланма нусхаси Андижонда сақланади [26: 156–157]. Нусхалар бир-бирининг оддий такрори эмас, ҳар бири ўзига хос матний тарихни акс эттиради.

Маълумки, Увайсий девонининг XX асрдаги сайланма нашрлари шоира ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳамда шеърларининг таълим тизими, тўпламлар, тадқиқот, рисолалар орқали китобхонлар орасида оммалашишини таъминлади. Бироқ улар турли манбалар асосида амалга оширилгани, тўлиқлик нуқтаи назаридан барчаси турли даражадаги сайланмалар экани ўзига хос нашр тарихини ҳосил қилди. Қўлёзма ва нашрлар вариациялари натижасида девоннинг йиғма-қиёсий матнини яратиш зарурати вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1837 ашё рақами билан сақланаётган қўлёзма Увайсий меросининг энг муҳим манбаларидан биридир. У фақат девон эмас, балки шоира достонлари ҳам бир китобда жамланган куллиёт хусусиятига эга. Қўлёзманинг 1б–94б варақларида девон, 95б–116б варақларида Имом Ҳасан (625–670) ва Имом Ҳусайнга (626–680) бағишланган қисса, 117а–123б варақларида эса Муҳаммад Алихон (тахм. 1806–1842; ҳукмронлик йиллари 1822–1842) ҳақидаги “Воқеоти Муҳаммад Алихон” достони ўрин олган. Қўлёзма 1274/1857–58 йилда Муҳаммадшоҳ Юнусхон Эшонхўжа ўғли томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига китобат санъатига хос шарқона пойгир қўйилган. Шу билан бирга қўлёзманинг кейинги соҳиблари томонидан ҳар бир саҳифа 1, 2, 3, 4 тарзидаги кетма-кетликда рақамланган. Қўлёзма фонд таркибига олинганидан кейин эса, тавсиф талабига кўра, ҳар чап варақнинг юқори чап бурчагига кетма-кет рақамлар қўйилган. Шунинг учун нашр ва тадқиқотларда рақамланишида оид фарқлар учрайди. Масалан, 1959 йили Азизхон Қаюмов (1926–2018) ва Эътибор Иброҳимова (1929–2007) ҳамкорлигида тайёрланган нашрда шеърларнинг қўлёзмадаги ўрни саҳифаларнинг кетма-кет рақамланиши асосида кўрсатилган [18]. Манбашуносликка оид илмий тадқиқотларда эса тавсиф қоидаларига мувофиқ рақамлаш усули қўлланган [26: 156–173; 16: 483].

Бу фарқлар саҳифа рақамлари билан варақ рақамлари ўртасида чалкашлик юзага келмаслиги учун илмий нашрда ягона рақамлаш тизимини қабул қилиш зарурлигини кўрсатмоқда [8; 26: 156–173; 16: 483–484; 18]. Биз тадқиқотимизда варақларни рақамлаш – *фолиация* усулини танладик.

Қўлёзма матни новвот рангли Қўқон қоғозига ўртача настаълиқ хатида қора сиёҳ билан кўчирилиб, ҳар бир саҳифага икки устунда 10–13 сатрдан жойлаштирилган. Матн безаксиз. Қўлёзманинг китобат санаси ва котиб номи девон охирида қуйидагича ифодаланган:


Таммат ал-китоб
Сана 1274/1857–58
Рақам қилди Муҳаммадшоҳ Юнусхон,
Ки нури чашми Эшонхўжа эшон
(Ғафароллоҳу зунубаҳума ва сатара уъюбаҳума. Омин).
Ҳар ким ўқуса дуо тиларман,
Журму иллатиға даво тиларман [8: 94а].

Муқоваси пистаранг, марказида турунж ва унинг юқори ва пастки қисмида қирмизи рангдаги лола нақшли тамға мавжуд. Унинг ичига “Амали Абдулқодир[1] саҳҳоф. Сана 1265” (Абдулқодир саҳҳоф иши. Сана 1265/1848–49) матни жойлаштирилган. Устки муқова юқорисидаги лола ва марказдаги турунж нақшлари оралиғига кейинроқ “Мирзо Зоҳид ўғли /Амир Нажод?” исми ёзилган. Қўлёзма 123 варақ (246 бет). Қўлёзма ўлчами: 27 × 16,5 см [16: 483–484].

Увайсий куллиётининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланиши ва ўрганилиши тарихида Абдулла Носировнинг (1899–1987) фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. А. Носиров фонддаги қўлёзмалар учун тавсифий маълумотлар тўплаган, тавсифлаган, асарларни ажратиб белгилаган, айрим муҳим нашрий материалларни қўлёзмага илова қилган. Жумладан, Чўлпоннинг (1897–1938) “Увайсий” номли мақоласидан олинган парча қўлёзманинг олд муқоваси ичкарисига, Увайсий таваллудининг 200 йиллигига бағишланган Абдуқодир Ҳайитметовнинг (1926–2005) “Боқий мисралар”, муаллифи кўрсатилмаган “Ўлмас обида” номли газета материаллари бириктирилган. Иловаларнинг

[1] Изоҳ: 2016 йилги “Воқеоти Муҳаммад Алихон” достони нашри тадқиқот қисмида саҳҳоф исми “Абдуқаҳҳор” тарзида нотўғри ўқилган. Қаранг: [29: 5].

қўлёзмага бириктирилиш санаси ҳар бир материалнинг юқорисига унинг қўли билан ёзиб қўйилган. Чўлпон мақоласи тепасига араб алифбосида “1970 феврал, сон 2(18) ёфиштирулди. Абдуллоҳ Носиров”, шоиранинг 200 йиллик юбилейига оид газета мақоласи тепасида кирилл ёзувида “Носиров А. 25/VII-83” қайдлари мавжуд [14].





Бундай қўшимчаларнинг киритилишини ҳозирги манбашунослик тамойиллари нуқтаи назаридан деб баҳолаш мумкин. Бироқ интернет ва сунъий интеллект хизматлари бўлмаган ўша даврда бу амалиёт долзарб ҳисобланган бўлиб, уни муаллиф ёки асарга оид маълумотларни тадқиқотчига етказишнинг ўзига хос усули сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур қайдлар асарнинг XIX асрдаги асл китобат ҳолатига мансуб бўлмаса-да, XX асрда Увайсий меросининг қандай ўрганилганини ва А. Носиров фаолиятининг қўлёзмалар хазинаси тарихидаги ўрнини кўрсатади.

Қўлёзманинг ташқи кўриниши билан боғлиқ маълумотлар унинг тарихи ҳақида хабар беради. Муқовадаги нақшлар, саҳҳофга оид ёзувлар, турли давр муҳрлари, кейинроқ қўйилган инвентар белгилар ва ҳошиядаги қайдлар қўлёзманинг шахсий кутубхонадан илмий

фондгача бўлган йўлини кўрсатади. Айни пайтда бу ерда яна бир методологик фарқни англаш муҳим: қўлёзманинг асосий матни, котиб колофони, саҳҳоф қайди, кейинги эгалик муҳри ва А. Носировнинг XX асрда ёзган тавсифи бир хил даражадаги далил эмас. Биринчиси асарнинг матний тарихига, иккинчиси китобат жараёнига, учинчиси муқовалаш жараёнига, кейинги белгилар эса сақланиш тарихига тегишли. Улар бир-бирини тўлдирса-да, ўзаро чалкаштирилмаслиги керак. Акс ҳолда кейинги тасниф, шартли сарлавҳа, қайдлар девон матнига оид маълумот каби муаллифга тегишли деб қабул қилиниши мумкин. Шу боис, ҳар бир маълумотнинг қайси даврда ва ким томонидан киритилганини аниқлаш ва далиллаш асар, матн ва қўлёзма тарихини тиклашга хизмат қилади.

Куллиёт таркибида достонларнинг мавжудлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Имом Ҳасан ва Ҳусайн воқеаларига бағишланган қисса билан “Воқеоти Муҳаммад Алихон” достонининг девон билан ёнма-ён жойлаштирилиши аслида шоиранинг шеърий оламидан дарак беради. Чунки биринчи достонда диний тарих, иккинчисида Қўқон хонлиги тарихига оид воқеалар бадиий ифодаланган. Таъкидлаш жоизки, бу достонларнинг шоира томонидан сарлавҳа қўйилган нусхаси бизгача етиб келмаган. А. Носиров томонидан тавсифлаш жараёнида асар мазмунидан келиб чиқиб, 95а варақ тепасига дастлаб “Карбалонома” деб ёзилган, кейин бу қайд устидан чизилиб, “Қиссаи Имом Ҳасан” деб, 117а варақ юқори чап бурчагига “Воқеоти Муҳаммад Алихон” деб қайд этилган. Бу ҳолат достонларнинг тугалланган-тугалланмагани, девон ва достонлар жойлашувининг муаллифга тегишли ёки йўқлиги ҳамда мазкур кетма-кетликнинг котиб ташаббуси билан боғлиқлиги масалаларини ҳам ўртага қўяди. Гарчи ҳар икки достон муайян даражада тадқиқ этилган бўлса-да, манбашунослик ва матншуносликка оид бу жиҳатларни таҳлил қилиш мақсад қилинмагани маълум бўлмоқда. Чунки, аксар нашр ва тадқиқотларда мазкур куллиёт таркиби девон, “Карбалонома” ёки “Шаҳзода Ҳасан”, “Шаҳзода Ҳусайн”, “Воқеоти Муҳаммадалихон” ёки “Хитой сафари” достонларидан иборат дея талқин этилган. Бу эса илмий тадқиқотлардаги турли талқинларга олиб келган. Ваҳоланки, мазкур жиҳатлар ҳам шоира ижодий олами, тушунчалари ҳақида

хабар берувчи манбавий омиллардан биридир [24: 23; 15: 6; 18: 5; 27: 600–607; 10: 14–15; 28: 13–14; 21: 5; 9: 151–152; 12: 72–74; 29; 11].

Куллиёт таркибидаги девоннинг ички тузилишини муқаддима вазифасини бажарувчи дебоча ёки ҳамд, наът ва муножот мазмунидаги шеърлар, қофия ва радифнинг охирги ҳарфларига асосланган алифбо тартиби ҳамда жанрларнинг гуруҳланиши белгилайди. Шеърнинг ғояси эса унинг жойлашиш ўрни билан бирга матннинг ички мазмуни асосида аниқланади. Шунинг учун девон композициясини ўрганишда тузилиш тартиби ва мазмуний муносабатларни биргаликда ҳисобга оламиз [2: 432–438; 8: 1б–94б].

Тадқиқотимиз жараёнида 1837 рақамли қўлёзмадаги девон таркиби ва нашрлардаги талқинини қайта ўргандик. Увайсийшунос олима Иқболой Адизова тадқиқотларида қўлёзмадаги девон таркиби 269 ғазал, 29 та мухаммас, 55 та мусаддас, 1 та мураббаъдан иборатлиги кўрсатилган [7: 118] ва бу маълумот бошқа ишларда айнан такрорланган [9: 151; 21: 5]. С. Исломованинг 2017 йилдаги “Увайсий лирикасининг матний тадқиқи ва поэтикаси” номли магистрлик диссертациясида эса мазкур таркиб билан бирга шоиранинг 53 та чистон, 1 та таркиббанд, 4 та таржиъбанди мавжудлиги зикр этилган ва айрим намуналар келтирилган [28: 13–14; 13: 17, 37].

Увайсий ижодидаги мухаммас жанрини ўрганган Д. Асқаров унинг 31 та мухаммасидан 20 таси тахмис эканини кўрсатган. Улардан 6 таси Алишер Навоий (1441–1501), 7 таси Амирий, 3 таси Муҳаммад Фузулий (тахм. 1494–1556), 3 таси Вазир ва 1 таси Жомий[1] ғазалларига боғланган. Қолган 11 таси мустақил мухаммас – табъи худ сифатида таснифланган [1: 27–31].

Девон таркибини нашрлардаги талқини билан қиёслаш натижасида уларнинг ҳеч бирида девоннинг тўлиқ таркиби кўрсатилмагани маълум бўлди. Увайсийнинг 1837 рақамли куллиётидаги девон таркибини қайта ўрганишимиз натижасида унда шоиранинг 267 та ғазал (шундан 5 таси ҳамд, 6 таси наът, 2 таси соқийнома), 1 та мусалсал, 13 та мухаммас (2 таси наът-мухаммас), 18 та тахмис (Навоийнинг 7 та, Фузулийнинг 3 та, Амирийнинг 5 та ва Вазирнинг 3

[1] Абдураҳмон Жомий (1414–1492) форс тилида, Увайсий туркий тилда ижод қилган.

та ғазалига боғланган), 7 та мусаддас (2 таси наът) жанрларидаги жами 306 та шеъри жамлангани аниқланди [8: 1б–94б].

Мазкур шеърларнинг қайси бири нашрлардан ўрин олганини аниқлаш учун девоннинг босма нусхаларига ҳам мурожаат қилдик. XX асрдаги сайланма нашрлар Увайсий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар ҳамда шеърларини таълим тизими, тўпламлар, тадқиқот ва рисолалар орқали китобхонлар орасида оммалаштирди.

Нашр манбаларини ўрганиш 1959 йилги девон А. Қаюмов ва Э. Иброҳимова томонидан ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги №1837 қўлёзма асосида [18], 1963 йилги девон эса Ҳ. Раззоқов (1916–1982), И. Қосимов (1906–1989), Ғ. Абдуллаев (XX аср) ва Н. Маметов (XX аср) томонидан Андижон нусхаси асосида тайёрланганини кўрсатди [19]. Кейинги сайланма нашрларнинг аксарияти мазкур икки нашрга таянган [17; 20; 21; 22; 28; 23; 13].

Увайсий девонининг 1959 ва 1963 йиллардаги нашрларида ва шўролар давридаги айрим тадқиқотларда шоиранинг диний-тасаввуфий руҳдаги шеърларининг аксарияти чоп этилмаган, таҳлилга тортилмаган.

Мустақиллик даврида И. Адизова, Н. Жумахўжа, Б. Исакова олиб борган тадқиқотларда Увайсийнинг айрим ирфоний шеърлари, Андижон давлат университети профессори Д. Абдуллаева раҳбарлигидаги С. Исломованинг магистрлик ишида эса ҳамд, наът шеърлари таҳлилга тортилган [6; 7; 9; 13; 11]. Бироқ бу тадқиқотлар ҳам қўлёзма таркибини тўлиқ қамраб олмаган.

1837 рақамли қўлёзмани нашрлар билан қиёслаганимизда эса ундаги 27 та ғазал, 7 та мухаммас, 2 та мусаддас жанридаги жами 36 та шеър нашрларга киритилмагани аниқланди. Айни пайтда нашрларда учрайдиган, аммо айнан шу қўлёзмада мавжуд бўлмаган 112 та ғазал, 1 та мураббаъ, 5 та мухаммас, 4 та мусаддас ва 2 та маснавий жанридаги 124 та шеър қайд этилди. Бу икки ҳисоб қўлёзма ва нашрларнинг ўзаро таркибий фарқини ифодалайди [8: 1б–94б; 18; 19].

Нашрда мавжуд, аммо 1837 рақамли қўлёзмада учрамайдиган матнларни Увайсийга мансуб эмас деган хулосага олиб келмаслиги керак. Улар Андижон нусхаларида мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли, ҳар бир шеър манбасини аниқланмасдан туриб, уни девондан чиқариш ёки асосий матнга киритиш илмий асосга эга бўлмайди.

Шунингдек, 1837 рақамли қўлёзмада сақланиб, нашрларда йўқ шеърларни ҳам бир хил сабаб билан туширилган деб ҳисоблаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда матн ҳолати, нашр ҳажми, бир нусхадаги фарқлар ёки жанрий тасниф бундай танловга таъсир қилган бўлиши мумкин.

Бу нашрлар ва тадқиқотлар турли манба ва танловлар асосида ҳозирлангани учун таркиби бир-биридан фарқли. Бироқ айнан шу фарқлар шоира меросининг қандай танлангани ва қайси жиҳатлари илмий муомалада етакчи ўрин тутганини аниқлаш учун муҳим материал ҳисобланади [18; 19].

Шу билан бирга, XX аср ўрталарининг мафкуравий сиёсати Увайсийнинг айрим диний-ирфоний шеърлари нашрдан тушиб қолишига сабаб бўлган. Шоиранинг ижодий қиёфаси кўпинча ишқ ҳижронида куйган, машаққатли ҳаёт кечирган аёлнинг кечинмалари нуқтаи назаридан талқин этилган. Қўлёзмадаги ҳамд, наът ва тасаввуфий мазмундаги айрим шеърларнинг қисқартирилиши муаллиф дунёқарашини идрок этишга ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, 1837 рақамли қўлёзма:

Биҳамдиллаҳ тилимни айладим ҳамдингга ман гўё,
Бўлуб минқори найдек бош-аёғим жумлаи аъзо [8: 1б].

матлаъли ҳамд-ғазал билан бошланган. Бу шеър девон нашрларига киритилмаган. Худди шунингдек, ҳамд ва наът мазмунидаги 15 та шеър ҳам нашрларда учрамайди. Мустақиллик давридаги тадқиқотларда эса айримлари таҳлилга тортилган. С. Исломованинг магистрлик иши сўнгида улардан 7 тасининг матни тўлиқ келтирилган [13: 77–85]. 1837 рақамли қўлёзма асосидаги нашр эса:

Забонингни кетургил эй шакари лаб тўти гуфтора,
Нечунким марҳамат бўлсун неча мандек дил афкора [18: 15].

матлаъли ижтимоий мавзудаги ғазал билан бошланган. Мазкур шеърдан олдин (148), навбатдаги шеърлардан олдин (129), (167), (5), (6)... рақамлари қўйилган ва улар қўлёзма саҳифаларининг кетма-кетлигини билдиради. Бу ўз навбатида, шеърлар танлаб олиниб, шоиранинг лирик кечинмаларини ҳамда замона зарбидан чеккан изтиробларини ифодаловчи намуналар нашр бошига жойлаштирилганини, муайян шеърлар тушириб қолдирилганини кўрсатади. Демак, “энг кўп шеър киритилган китоб” билан “девон компози-

циясини энг тўлиқ акс эттирган нашр” бир маънодаги тушунчалар эмас. Зотан, илмий нашрда матний қамров билан композицион яхлитликни биргаликда сақлаш керак.

Бундай ҳолат жанр номи билан боғлиқ таҳрир амалиётида ҳам намоён бўлади. Қўлёзмада ҳамд мазмунидаги шеър оддий ғазаллар силсиласи ичида келиши мумкин, нашрда эса “Ҳамд”, “Муножот” ёки “Наът” каби янги сарлавҳа билан ажратилиши мумкин. Бир қарашда бу китобхонга қулайлик туғдиради. Лекин сарлавҳа қўлёзмада бўлмаса, уни муаллифники деб эмас, нашрий шартли белгилаш сифатида кўрсатиш зарур. Бундай шеърларни таҳлил қилишда ғазал шакли билан бирга уларнинг мазмуний йўналиши ва маънавий вазифасини ҳам кўрсатиш зарур, аксинча, ҳар қандай диний мазмунли ғазални “ҳамд” ёки “наът” деб номлаш асоссиз. Матншунослик бундай ҳолларда жанр, мавзу ва китобат тартибини бир-биридан ажратади.

Нашрлар таркибида турли шаклларнинг учраши девоннинг кенг қамровини ҳам тасдиқлайди. “Кўнгил гулзори” ва “Мазмун маъдани” сингари тўпламларда 1959 йилги девонда йўқ айрим мустақил мухаммаслар нашр қилинган. Бошқа нашрларда эса айрим тахмислар ёки мураббаълар акс этган. Мисол учун “Кулбама қўйди қадам дўст, шоду хандонман бу кун…” мисраси билан бошланувчи мухаммас “Мазмун маъдани”да, “Не арз этсам, суханрас, нуктаи ашъордин фаҳм эт...” мисраси билан бошланувчи шеър “Кўнгил гулзори”да нашр этилган. Бу ҳолат девоннинг йиғма-қиёсий матнини яратишда барча муҳим ёзма ва босма манбаларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатмоқда [21: 198–199; 20: 245].

Нашр тарихида матннинг оммалашуви билан илмий аниқлик ўртасидаги муносабат ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оммабоп сайланмада шеърлар ҳажм, мавзу ва ўқиш қулайлигига қараб танланади. Илмий-танқидий ёки йиғма-қиёсий нашрда эса нусхалар тартиби, вариантлар, кўчиришдаги хатолар, жанр, байт ва бандлар ўртасидаги фарқлар тагхатда алоҳида қайд этилади. Бу нашрларнинг мақсади ва вазифаси турлича. Бироқ оммабоп нашр танлови кейинги тадқиқот учун ягона меъёрга айланиб қолса, қўлёзмада сақланган лекин оммалашмаган шеърлар тадқиқотга кирмай қолади. Увайсий мисолида бу ҳолат диний-ирфоний матнларнинг нашрий қамрови ва турли нусхалардаги жанрий тасниф тафовутларида яққол намоён бўлди.

Увайсий девонидаги шеърларнинг қўлёзма ва нашр ҳолатини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- асарнинг қўлёзмасининг тарихи: китобати, шеърлар тартиби, жанрлар нисбати, достонларнинг кетма-кет жойлашуви, қўлёзмадаги турли белгилар, қайдлар, муҳрлар;
- асарнинг нашр, тадқиқот ва дарсликларда тақдим этилиши ҳамда талқини.

Бу икки таснифнинг бири иккинчисини бекор қилмайди, аксинча, қўлёзмалар асарнинг қадимийроқ ҳолатини, нашрлар эса унинг тақдим этилишига ижтимоий ва мафкуравий муҳит таъсирини ифодалайди. Лекин ҳар икки ҳолат ҳам мазкур асарга бўлган эҳтиёжни кўрсатади. Илмий мақсад ушбу икки тасниф ўртасидаги фарқларни аниқлаш, уларнинг сабаб ва натижаларини тушунтиришдан иборатдир.

Увайсий девонининг йиғма-қиёсий матнини тайёрлашда девоннинг асл таркибини сақлаш, манбаларни тўлиқ қамраб олиш, матний ва бошқа тафовутларни изоҳда далиллаш асосий тамойиллар сифатида белгиланди. Бунинг учун барча маълум қўлёзма нусхалар ва нашрларни ягона жадвалда жамлаш мақсад қилинди. Унда қўлёзманинг ашё рақами, нашр йили ва манбавий асоси, ҳар бир шеърнинг матлаъси, мақтаъси, жанри, вазни, варақ ёки саҳифа рақамлари, байт ва бандлар сони ҳамда уларнинг жойлашиш тартибидаги фарқларни қайд этамиз. Шеърнинг турли нусхалардаги номланиши ўзаро фарқ қилса, буни ҳам алоҳида кўрсатиш лозим. Мазкур маълумотлар воситасида қўлёзмалардаги рақамлаш ва ҳисоблаш билан боғлиқ номувофиқликларни, нашрлардаги такрорлар ҳамда тушириб қолдирилган матнларни аниқлаш, ҳар бир нусханинг афзаллиги ёки нуқсонини аниқ далиллаш имконига эга бўламиз.

Таянч нусхани танлашда унинг кўчирилган санаси билан бирга матннинг сақланганлик ҳолати, тўлиқлик даражаси, шеърларнинг жойлашиш тартиби, жанрий таркиби ва бошқа нусхалар билан алоқаси ҳам ҳисобга олинади. Шу нуқтаи назардан, 1837 рақамли Тошкент нусхасининг қадимийлиги, Андижон нусхасининг таркибий тўлиқлиги матнни тўлдириш имкониятини ҳосил қилади. Қўлёзмаларда учрамайдиган, аммо нашрларда келтирилган шеърларнинг қайси манбадан олинганини аниқлаш нашрга тайёрлашнинг зарур

вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу билан турли манбалардаги шеърларни изоҳсиз бирлаштиришнинг олди олинади.

Матний вариантларни танлашда байт мазмуни ва шеърнинг умумий бадиий мантиғига эътибор қаратган ҳолда аруз, қофия ва радифдан ёрдамчи мезон сифатида фойдаланилади. Котибнинг матн имлосини ўз даври ёзув услубларига мослаши, маънодош сўзни бошқаси билан алмаштириши ёки бирон хатога йўл қўйиши эҳтимолини ҳам инобатга олиш керак бўлади. Бундай ҳолатлар бошқа нусхалар билан солиштирилиб, матн мазмуни ва контекст асосида аниқланади. Қўлёзмалар ўртасидаги фарқлар, хусусан, арабий-форсий истилоҳлар, ўқилиши мураккаб иборалар изоҳи илмий аппаратда кўрсатилади.

Нашрда шеърларни жамлаш билан бирга девоннинг жанрий-композицион шаклини, қўлёзмадаги тартиб тизимини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Йиғма-қиёсий матнда таянч нусха тартиби сақланади. Муайян ҳарфга оид шеърлар тугагач, бошқа манбалардан олинган шу ҳарфга мансуб шеърларни қўшиб, уларнинг манбасини махсус белги ва изоҳ билан кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу муаллиф ёки котиб шакллантирган тартибни кейинги ношир киритган ўзгаришлардан фарқлашга хизмат қилади.

Девон нашрларини ҳам ўзига хос манбалар сифатида тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки 1959, 1963, 1983, 1992, 1993, 2010, 2022 йилларда чоп этилган сайланмалар Увайсий шеъриятини оммалаштириш билан бирга, унинг жанрий таркиби ҳақидаги тасаввурни шакллантирган нашрий талқинлардир. Улардаги шеърлар тартиби, шарҳлар ва саралаш мезонларини қиёслаш муайян даврда қайси мавзулар нашрий танловда устун келганини аниқлаш имконини берди.

Қўлёзмаларга қайта мурожаат қилиш аввалги нашрларни рад этиш эмас, уларнинг илм тарихидаги ўрнини тўғри белгилашни англатади. А. Қаюмов, Э. Иброҳимова, Ҳ. Раззоқов, И. Қосимов, Ғ. Абдуллаев, Н. Маметов, Н. Маллаев (1922–1996), И. Ҳаққул (1949–2022), М. Қодирова (1919–2006), И. Қосимов (1906–1989), А. Валихонов (1925–1986), А. Турдиалиев, У. Неъматов, И. Адизова, Б. Исакова ва бошқаларнинг ишлари бўлмаганида Увайсий мероси кенг китобхонга етиб бормаган бўларди [10; 15; 17–23; 28; 30; 1; 6–7; 9 ва бошқ.]. Айни

вақтда қўлёзма ва нашр муқоясаси шўролар давридаги олимлар танловлари мураккаб тарихий-мафкуравий шароит билан боғлиқ бўлганини кўрсатади. Йиғма-қиёсий матн асосидаги тўлдирилган девонни тайёрлашдан мақсад ўтмиш ношир ва тадқиқотчиларининг "хатосини санаш" эмас, балки янги манба ва илмий имкониятлар асосида Увайсий шеъриятини кенгроқ доирага етказишдан иборат. Бу ёндашув илмий ворисийликни таъминлайди ва ҳар бир тадқиқот босқичининг вазифасини адолатли баҳолайди.

Матнларнинг манбавий асоси, нусхалар ўртасидаги муносабат ва нашрий ўзгаришларни аниқлаш йиғма-қиёсий нашр тамойиллари ва илмий мезонларини белгилайди. Девонни тўлиқ тиклаш ҳар бир шеърни аниқлаш билан бирга, унинг жанрий-композицион ўрни, диний-ирфоний мазмуни ва ўқилишдаги тўғри талқинни ҳам ҳисобга олишни талаб этиши ойдинлашди. Бинобарин, нашрнинг илмий қимматини таянч нусха, шеърлар қамрови, ҳар бир матннинг манбаси, бошқа нусхалардаги вариантларнинг аниқ кўрсатилиши ҳам белгилайди.

Қиёсий таҳлил Увайсийни мустақил девоннавис, мумтоз адабий анъана давомчиси ва диний-ирфоний тафаккур соҳиби сифатида тўлароқ ёритиш имконини берди. Қўлёзма ва нашрлар ўртасидаги тафовутлар шоира меросининг сақланиш, ўзгариш ва қабул қилиниш тарихини очиб берувчи манбавий далиллар сифатида баҳоланди. Бу натижалар йиғма-қиёсий матн асосида тўлдирилган девон тайёрлаш ва Увайсий шеъриятини кенгроқ қамровда илмий жамоатчиликка тақдим этиш учун асос яратди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Asqarov D. Uvaysiy lirikasida muxammas shakli // "Global dunyoda ilm-fan va ta'limdagi innovatsion rivojlanishning zamonaviy trendlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 2022-yil, 15-dekabr. Stars International University. Б. 27–31.
2. De Blois F. Dīvān III: Collected Works of a Poet // Encyclopaedia Iranica. 1995. Vol. VII, fasc. 4. P. 432–438.
3. Erkinov, A. Les Timourides, modèles de légitimité et les recueils poétiques de Kokand. In F. Richard & M. Szuppe (Eds.), Écrit et culture

en Asie centrale et dans le monde turco-iranien, XIVe–XIXe siècles / Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th–19th Centuries. Cahiers de Studia Iranica, 40. Paris: Association pour l'avancement des études iraniennes (AAEI), 2009, pp. 285–330.

4. Erkinov, A.S. Imitation of Timurids and Pseudo-Legitimation: On the Origins of a Manuscript Anthology of Poems Dedicated to the Kokand Ruler Muhammad Ali Khan (1822–1842). GSAA Online Working Paper No. 5.
5. Eshonova S.N. Kokand Princess Mahlar Ayim: Stateswoman, Builder, Poetess // Current Research Journal of History. – 2023. – Vol. 4, №11. – P. 28–35. – DOI: 10.37547/history-crjh-04-11-05.
6. Адизова И. Увайсий ижодида жанрлар такомили. – Тошкент, 2011.
7. Адизова И. Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши. – Тошкент, 2020.
8. Жаҳон Отин Увайсий. Куллиёт. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1837.
9. Жумахўжа Н., Адизова И. Ўзбек адабиёти тарихи (XVI–XIX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: Ношир, 2019. Б. 151–152.
10. Иброҳимова Э. Увайсий. Монография. – Тошкент, 1963.
11. Исакова Б. Увайсий шеъриятида ирфоний мазмун ва Карбалонома достони // Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2023.
12. Исломов Ҳ. Увайсийнинг "Қиссаи пурғусса" асари қўлёзмаси // Адабий мерос. 1983. №3. Б. 72–74.
13. Исломова С. Увайсий лирикасининг матний тадқиқи ва поэтикаси. – Магистрлик диссертацияси. – Андижон, 2017.
14. Носиров А. Носиров жамлаган материал ва манбаларнинг рўйхат дафтари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №13498.
15. Рашид У. Уч шоира. – Тошкент, 1958.
16. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны). Т. II / Нашрга тайёрловчилар С. Эшонова, Д. Жўраев. – Ташкент, 2023. С. 483–484.
17. Увайсий шеъриятидан / Тузувчи: М. Қодирова. – Тошкент, 1980.
18. Увайсий. Девон / Нашрга тайёрловчилар: А. Қаюмов, Э. Иброҳимова. – Тошкент, 1959.
19. Увайсий. Девон: Шеърлар / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Раззоқов, И. Қосимов, Ғ. Абдуллаев, Н. Маметов. – Тошкент, 1963.

20. Увайсий. Кўнгил гулзори / Нашрга тайёрловчилар: И. Қосимов, А. Валихонов. – Тошкент, 1983.
21. Увайсий. Мазмун маъдани / Тузувчилар: А. Турдиалиев, У. Неъматов. – Тошкент, 2010. Б. 198–199.
22. Увайсий. Нодира / Нашрга тайёрловчи: М. Қодирова. – Тошкент, 1992.
23. Увайсий. Нодира. Туркий адабиёт дурдоналари / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққулов, З. Раҳмонова. – Тошкент, 2022.
24. Чўлпон. Увайсий // Ёрқин турмуш журнали. Тошкент, 1933. № 3–4. Б. 23.
25. Эркинов А. Темурийлар – Қўқон хонлиги сулолавий легитимацияси учун модел сифатида (XIX–XX аср боши сарой баёзлари мисолида) // Sharqshunoslik. 2011. № 15. Б. 20–33.
26. Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар // Meros, 1/2024. Б. 156–173.
27. Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. III том. – Тошкент, 1959. Б. 600–607.
28. Ўзбек шоиралари баёзи. Увайсий. Нодира / Тузувчи ва сўз боши муаллифи: М. Қодирова. – Тошкент, 1993.
29. Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда (“Воқеоти Муҳаммад Алихон” ва “Жангномаи Худоёрхоний”) / Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Лутфиллаев. Тадқиқот қисми ва изоҳлар муаллифи: Ш. Қўлдошев. – Тошкент, 2016.
30. Ҳаққулов И. Увайсий шеърияти. – Тошкент, 1982.

С. Эшонова

ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Увайсий девони қўлёзмаси таркиби, нашр тарихи ва йиғма-қиёсий матн тамойиллари

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1837 ашё рақами билан сақланаётган Увайсий куллиётининг таркиби, китобат хусусиятлари ва нашр тарихи ўрганилган. Манбашунослик, матншунослик ва қиёсий таҳлил асосида қўлёзма ҳамда босма манбалар ўртасидаги муносабат ёритилган. Девон таркиби қайта

кўриб чиқилиб, унда турли жанрларга мансуб 306 та шеър жамлангани аниқланган. Шеърларни саралаш, жойлаштириш ва диний-ирфоний мазмундаги намуналарни нашрларга киритишдаги тафовутлар кўрсатилган. Котиб колофони, саҳҳоф қайди ва кейинги тавсифий белгиларнинг манбавий аҳамияти фарқланган. Йиғма-қиёсий нашр учун таянч нусхани танлаш, жанрий-композицион тартибни сақлаш, матний вариантлар ва қўшимча шеърларнинг манбаларини кўрсатиш тамойиллари асосланган. Натижалар Увайсий меросини тўлиқроқ нашр этиш ва илмий талқин қилишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: *Увайсий, девон, куллиёт, қўлёзма, манбашунослик, матншунослик, нашр тарихи, жанрий таркиб, ҳамд, наът, матний вариантлар, йиғма-қиёсий нашр.*

С. Эшонова

Рукопись дивана Увайси в Институте востоковедения АН Республики Узбекистан: состав, история изданий и принципы подготовки сводно-сопоставительного текста

В статье исследуются состав, кодикологические особенности и история издания куллията Увайси, хранящегося под инвентарным номером 1837 в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан. Кодикологический анализ и сопоставление рукописных и печатных источников позволили уточнить жанровый состав дивана, включающего 306 стихотворений. Выявлены различия в отборе и расположении произведений, а также в публикации текстов религиозно-мистического содержания. Разграничено источниковедческое значение колофона переписчика, записи переплётчика и позднейших описательных помет. Обоснованы принципы подготовки сводно-сопоставительного издания: выбор опорной рукописи, сохранение жанрово-композиционной структуры, фиксация разночтений и указание источников дополнительно включаемых стихотворений. Полученные результаты создают основу для более полного издания наследия поэтессы и уточнения сложившихся представлений о его составе.

Ключевые слова: *Увайси, диван, куллият, рукопись, источниковедение, текстология, история издания, жанровый состав, хамд, наат, разночтения, сводно-сопоставительное издание.*

S. Eshonova

Uvaysi's Divan Manuscript at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan: Composition, Publication History, and Principles for Preparing a Composite Comparative Text

This article examines the composition, codicological features, and publication history of Uvaysi's collected works preserved as manuscript No. 1837 at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of Uzbekistan. Source analysis and textual comparison establish that the its divan contains 306 poems of different genres. The study identifies differences in selection, arrangement, and publication of religious and mystical poetry. It distinguishes the evidential value of the scribal colophon, the binder's inscription, and later descriptive annotations. Principles for a composite edition include selecting a base manuscript, preserving genre and compositional order, recording textual variants, and identifying sources of additional poems. These findings support a fuller scholarly presentation of Uvaysi's literary legacy.

Keywords: *Uvaysi, divan, kulliyat, manuscript, source studies, textual scholarship, publication history, genre composition, hamd, naʿt, textual variants, composite edition.*

Э.Миркомилов

Ҳабибуллоҳ Хоразмий девони ва шеърларидан намуна

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хоразм адабий муҳитида кузатилган юксалиш, аввало, Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1845–1910; ҳукмронлиги 1864–1910) ҳомийлигида шаклланган ижодий муҳит билан боғлиқ. Бу даврда Хива мумтоз шеърият, таржимачилик, тарихнавислик ва китобат анъаналари ривожланган йирик маданий марказлардан бирига айланди. Феруз саройида адабий мажлислар ва шеърхонликларнинг мунтазам ўтказилиши ижодкорлар